

# Маъруза:

Инсон меҳнат фаолиятининг  
физиологик-гигиеник асослари.  
Инсон меҳнат фаолиятига тъсир  
этувчи салбий омиллар, уларниң  
турлари, моҳияти ва ҳимояланиш  
усуллари.

# **Режа:**

- 1. Мехнат гигиенасининг вазифалари.
- 2. Мехнатнинг физологик-гигиеник асослари.
- 3. Мехнатни илмий ташкил килиш.
- 4. Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси, мақсади ва вазифалари.
- 5. Заарли омиллар ва улардан ҳимояланиш тадбирлари.

## ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий:

- Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
- Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
- Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -T.: 2005. -355 b.
- G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O‘quv qo‘llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. - 195 b.
- Ёрматов F. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -T.: 2005.

Иш жараёнларининг ва атроф-мухитнинг ишчилар организмига таъсирини урганадиган фан **мехнат гигиенаси** дейилади. Мехнат гигиенасини куллаш натижасида кулай иш шароитларни яратা оладиган, мехнат унумдорлигини ошира оладиган, касбий касалликларни камайтира оладиган ёки бутунлай йук кила оладиган санитария, гигиена ва даволаш профилактик тадбирлари ишлаб чикилади.

## Мехнат гигиенаси таъминлайди

Кулай мехнат  
шароити

Юкори  
мехнат  
унумдорлиги

Касбий  
касалланиш  
камаяди

**Мехнат гигиенаси тиббий профилактика соҳаси бўлиб, иш Қобилиятини юксак даражада таъминлаш, касб касалликлари ва одамнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишнинг илмий асосларини ва амалий чораларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.**

**Мехнат гигиенаси** кишининг иш фаолиятини, иш шароитларини хамда ишлаб чикариш жараёнини ва ишлаб чикариш омилларини унинг организмига таъсирини урганади. Шу маълумотлар асосида иш шароитларининг санитар-гигиеник нормаларини яхшилаш учун тавсияномалаор ишлаб чикилади.

Түғри ташкил этилган мәхнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади. Жамиятда у нафақат моддий фаровонлик, балки одамнинг тетиклик манбаи ҳамдир. Бирок мәхнатнинг ижобий таъсири билан бирга баъзи ҳолларда салбий оқибатлари ҳам бўлиши илгаридан кузатилган. Бу мәхнат фаолияти натижаларини камайтириб ва сифат жиҳатдан пасайтирибгина қолмай, балки касбга алоқадор касалликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

■ Мехнат гигиенасининг асосий вазифаси иш унумдорлигани энг юкори даражада ошириш ва ишловчиларниң соғлигига заарли таъсир қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқищдан иборат. Бунда мехнат гигиенаси касбий касалликлар, юрак-томир, онкологик ва асаб касалликларшынг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

# Бу вазифаларни Ҳал Қилишнинг асосий йўллари:

## Гигиеник йўналиш:

- саломатлик ва иш қобилиятига таъсир Қиладиган ишлаб чиқариш мухити омилларини меъёrlаш;
- ишлаб чиқариш мухитидаги заарали омилларни камайтииш ва йўқотиш йўли билан меҳнат шароитларини соғломлаштириш.

## **Физиологик йўналиш**

- иш жойи, асбоблар, машина ва жиҳозларни физиологик талабларга мувофиқ ҳолда бўлишига эришиш;
- меҳнат ва дам олиш режимларини жорий этиш;
- меҳнатнинг жисмоний оғирлигини камайтириш, физиологик жиҳатдан етарлича ҳаракат фаоллигини таъминлаш;
- меҳнатнинг ақлий ва эмоционал толиқирилишини камайтириш.

## Психологик йўналиш

- пульлар ва машиналар, механизмлар тизимларини бошқариш учун бошқа воситалар ихтиро этишда руҳий талабларини ҳисобга олиш (муҳандислик руҳияти);
- касб танлашда ва касбий талабларга мувофиқ ҳолда шахснинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- жамоаларда Қулай руҳий кайфият яратиш, ишловчиларнинг меҳнатдан ва унинг натижаларидан юқори манфаатдор бўлишларини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий Қилиш.

## Эстетик йўналиш

- интерерларни безатишда, ускуналарни жойлаштиришда, ранглар билан безатишда ва бошқаларда ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига риоя Қилиш;
- техникавий эстетика талабларини бажариш, машиналар, асбоблар, жиҳозлар, пультлар сингари бошқарув восигаларини бадиий ихгиро Қилиш.

■ Хожатхона	1/18
■ Сув крани	1/8
■ Душ	1/ 30
■ Гигиеник кабина (қизлар учун)	1/50
■ Ёритилғанлик	70-100 лк
■ Ҳаво алмасиши	1- 1,5 марта / соат
Сув таъминоти :	
■ Қишлоқ жойларда	40-60 л/киши
■ Уйлар (дом )	140-200 л/киши
■ Марказлашган сув таъминоти	300-400 л/киши

# МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЎҚСАЛТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



# Ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенасига тегишли асосий тушунчалар

- **МЕҲНАТ ШАРОИТИ**— меҳнат жараёнида инсон саломатлиги ва ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш муҳити омилларининг мажмуидир.
- **ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ** – бу шундай омилки, маълум бир шарт –шароитда, унинг таъсири натижасида ишловчининг иш қобилияти пасаяди ёки касалланишта олиб келади. (Газ, чанг, буғ, шовқин, титраш ва ҳ.к.)
- **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ** – ишловчиларга зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олишнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизими.

- **ЗАРАРЛИ МОДДА** – бу шундай моддаки, одам организмига таъсири натижасида у ишлаб чиқариш жароҳатланиши, касбий касалланиш ёки соғлиқда салбий ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин (ишловчининг ўзида ёки унинг авлодларида).
- **КАСБИЙ КАСАЛЛИК** – бу шундай касалликки, у зарарли ишлаб чиқариш омиллариининг таъсири натижасида юзага келади. (Хроник бронхит, титраш касаллиги ва Ҳ.к.).

- **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ДАРАЖАСИ (ЭЮД)** – бу ишлаб чиқариш омилининг шундай даражасики, маълум, аниқ бир вакт давом этувчи ишни бутун иш стажи давомида бажарганда ҳам, унинг таъсири натижасида жароҳатланиш, касалланиш ёки соғликда ўзгариш иш жараёнида, ёки ҳозирги ва кейинги авлодлар ҳаётида кузатилмайди.
- **ИШ ЗОНАСИ ҲАВОСИ ТАРКИБИДАГИ ЗАРАРАЛИ МОДДАЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН КОНЦЕНТРАЦИЯСИ (ЭЮК)** – булар шундай концентрацияларки, уларнинг таъсири натижаси, кунига 8 соат, ҳафтасига 40 соатдан бутун иш стажи давомида ишлаганда ҳам иш жараёнида, ёки ҳозирги ва кейинги авлодлар соғлигида замонавий услублар билан аниқлаб бўладиган ўзгаришлар келтириб чиқармайди.

# Зарарли омиллардан Ҳимояланиш тадбирлари

- Мехнат шароитини яхшилаш, жароҳатланишлар ва касб касалланишларини камайтиришнинг турли йўлларини ва чора-тадбирларини Қўйидагича гуруҳлаш мумкин:
- Ҳуқуқий-меъёрий;
- ташкилий;
- техник;
- тиббий-олдини олиш;
- иқтисодий.
- Лекин бу бўлининш шартлидир, чунки ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган баъзи чора-тадбирлар у ёки бу гуруҳга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

# Хуқуқий-меъёрий чора-тадбирлар

- ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ишлаш ва дам олиш тартибини;
- ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринлари ҳавоси таркибидаги заарали моддаларга чегаравий санитар меъёрларни;
- иш ўринларидағи турли нурланишларга чегаравий санитар меъёрларни;
- аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг меҳнатини муҳофaza Қилишни; жароҳат олганларга ёки соғлиғининг бошқа хил заарланишига дучор бўлганларга кўрилган заарни Қоплашни, уларнинг пенсия таъминотини;
- заарали меҳнат шароитида ишловчиларга турли енгилликлар, кафолатлар ва Қопламалар беришни;
- ишловчиларни шахсий Ҳимоя воситалари билан таъминлашни ва бошқаларни.

## Ташкилий чора-тадбирлар :

- ишлаб чиқариш корхоналарида мәҳнат мұхофазасини бошқариш тизимини жорий Қилиш;
- ишловчиларни ўз вактида ўқитиш, касбий танлов ўтказиш, билимини текшириш, турли ўйриқнамалардан ўтказиб туриш;
- мәҳнат мұхофазаси кабинетларини ва бурчакларини ташкил Қилиш;
- ишлаб чиқарылған ҳамма иш ўринларида мәҳнат мұхофазаси Қоида ва талабларига амал Қилиш устидан уч босқичли назорат тизимини ташкил Қилиш;
- жароҳатланишлар ва касб касалланишларини бартараф Қилған ёки салмоқли даражада камайтиришга эришган корхона, бўлим, жамоанинг илғор тажрибасини ташвиқот ва татбиқ Қилиш;

- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз Ҳодисаларни ва ишловчилар соғлиғининг бошқа хил зарарланишини тешириш ва Ҳисобга олишни ташкил Қилиш;
- ишлаб чиқариш хоналарида ва иш ўринларида заарали ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари концентрациялари ва даражалари устидан назоратни ташкил Қилиш;
- иш ўринларида меҳнат шароити бўйича аттестация ва паспортизация ўтказиш;
- иш ўринларида меҳнат шароитини яхшилаш бўйича бошқа турли тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқа.

## Техник чора-тадбирлар :

- монотон, зарарли ва оғир ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштирилиш ва роботлаштириш;
- машина ва механизмларни, ускуна ва жиҳозларни масофадан туріб бошқаришни жорий Қилиш;
- хавфсиз техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ Қилиш;
- машина ва механизмларни, қурилмаларни, ускуналарни хавфсизликни таъминлашнинг инженер-техник (түсік, блокировка, сақловчи, сигнал, тормоз ва бошқа) воситалари билан хавфсизликни таъминлаш нұқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъминлаш;

- заарли ишлаб чиқариш омилларини герметизациялаш ва изоляциялаш билан бартараф этиш;
- Ҳаво мұхити тозалигини, иш үрни Ҳудудида заарли омиллар ҳосил бўлиши ва тарқалишини, ишлаб чиқаришда талаб қилинадиган ёритилганликни таъминлашни, шовқин ва титраш даражаларини камайтиришни, заарли нурланишлардан Ҳимояланишни;
- заарли шароитда ишловчи бошқарувчилар учун изоляцияланган кабиналар яратишнинг техник ечимларини;
- турли шахсий ва гуруҳий Ҳимоя воситаларини лойиҳалашни, ишлаб чиқиши, уларни амалга татбик Қилишни ва бошқаларни.

## Тиббий-олдини олиш тадбирлари

- ишга тушишдан олдин ва иш вақтида даврий равишда тиббий күриклардан ўтишни (ишдан олдинги ва иш вақтида юзага келиши мумкин бўлган касалланишларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида);
- ўта зарарли меҳнат шароитида ишловчиларни даволаш-олдини олиш озиқ-овқати, витамин дори-дармонлари, сут, газли ва тузли сув билан таъминлашни;
- ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланишни;
- олдини олиш ингаляция (намли, туз-ишқорли, мойли, кислородли ва бошқа) курсларини, нафас олиш гимнастикасини;
- ультрабинафша ва бактерияларга қарши нурланишни;
- умумий, нина-баргли (хвойли), тузли-хвойли ва бошқа турдаги ванна қабул қилишни, массаж олишни ва бошқа.

## Иқтисодий чора-тадбирлар

- ишчиларга үз вактида маошларини тұлаб туришни таъминлаш;
- мәжнат мұхофазаси Қоида ва талабларини камчиликсиз бажарадиган жамоаларни ва алоҳида тартибли ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- мәжнатни мұхофаза қилишга ажратылған маблағ ва воситаларни мақбул равищда тақсимлаш, уларни мақсадли сарфлаш устидан Қаттиқ ва узлуксиз назорат үрнатиш;
- мәжнат мұхофазаси ва техника хавфсизлиги Қоида ва талабларини бузган маъмурият ходимларига жарималар солиш;
- корхонага баҳтсиз ҳодисалар натижасида етказилған моддий заrarни Қоплаш ва бошқа.

## 2-қисм. Техносферада ҳаво мұхитининг күрсаткичлари

- Ҳаво мұхити (“метеорологик” шароитлар) күрсаткичлари түшунчасига инсон организмида иссиқлик алмашинуви жараёнига таъсир қилувчи физик омиллари киради.
- Булар қуйидагилардир: атмосфера босими, ҳаво температурасы (харорати), ҳавонинг ҳаракат тезлиги, нисбий намлик ва иссиқлик нурланишидир.
- Агарда юқоридаги омиллар бирор бир чегараланган жойға (шахар, район, обьект, хона, трактор ёки бошқа машина кабинаси ва ҳ.к.) нисбатан үрганилса улар „микроиқлим” күрсаткичлари деб аталади.

- МикроиКлим кўрсаткичлари таъсири остида одам организмида юзага келадиган организмнинг жадал исиши ёки совуб кетиши унда Ҳар хил **касалланишлар** келтириб чиқарди, иш сифати ва унумдорлигини пасайтиради, фалокат ва жароҳатланишлар юз беришига сабабчи бўлиши мумкин.
- Шунинг учун ишлаб чиқаришда **Қулай микроиКлим кўрсаткичларини ҳосил Қилиш** меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашининг асосий масаласидир.

# Микроиқлим күрсаткичлари бу-

- Метрологик күрсаткичлар атмосфера босими, ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракат тезлиги билан тавсифланади. Метрологик күрсаткичлар бирор-бир чегараланган фазога, жойга нисбатан ўрганилса улар *микроиқлим күрсаткичлари* дейилади

# Микроиқлим кўрсаткичларининг турлари:

- **Атмосфера босими** тепадаги ҳаво устуни оғирлик кучининг бирлик юзага нисбати билан характерланади ва Н/м<sup>2</sup> Паскальда (миллиметр симоб устунида ҳам) ўлчанади.
- **Ҳавонинг ҳарорати** унинг иссиқлик ҳолатини тавсифловчи катталиkdir.
- **Ҳавонинг ҳаракат тезлиги** ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларнинг нотекис қизиши ёки вентиляторлар ва бошқа ускуналар натижасида юзага келади.
- **Ҳавонинг нисбий намлиги** 1м<sup>3</sup> ҳаво таркибидаги сув буғлари массаси билан тавсифланади.

# Микроиқлим кўрсаткичларни макбул меъёрлари ва аниклашнинг техник воситалари

№	Микроиқлим кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Меъёри	Йўл қўйиладган даражаси	Ўлчаш асбоблари
1	Атмосфера босими	Па, мм.сим. уст.	720	720	Барометр
2	Ҳавонинг ҳарорати	Градус С	22-24	26-28	Термометр Термограф
3	Нисбий нимлик	%	40-60	75	Психрометр Гигрометр Гигрограф
4	Ҳавонинг харакат тезлиги	м/с	0.1	0.1	Анемометр Катотермометр

## Оғирлиги ва кучланиши бўйича иш категриялари

Иш категорияси	Иш тавсифи	Энергия саффи Ж/сек
Енгил-Іа	Физик кучланиш талаб этмайдиган ўтириб бажариладига ишлар	137 гача
Енгил-Іб	Маълум кучланиш талаб этадиган ўтириб ва туриб бажариладиган ишлар	140...174
Ўрта-Іа	Тикка ёки ўтирган ҳолатда оғирилиги 1 кг юкларни кўчириш билан боғлиқ ишлар	175...232
Ўрта-Іб	Тикка ёки ўтирган ҳолатда оғирилиги 10 кг юкларни кўчириш билан боғлиқ ишлар	233...290
Оғир	Доимий равишда куч билан катта физик кучланиш талаб этадиган ишлар	290 дан юқори

**Меҳнатга қобилиятли кишиларнинг қиладиган иш турига кўра  
энергия, оқсили, ёғ ва углеводларга бўлган эҳтиёжи (бир кунлик)**

Иш гурӯхлари	Ёши	Эркаклар				Хотин-қизлар			
		Энерги я (ккал)	Оқси	Ёғ	Углевод	Энергия (ккал)	Оқс и	Ёғ	Углевод
I	`18-29	2200	81	103	378	2400	78	83	321
	30-39	2700	88	99	365	2300	75	84	310
	40-59	2550	83	93	344	2200	72	81	297
II	`18-29	3000	90	110	412	2550	77	93	354
	30-39	2900	87	106	399	2450	74	90	337
	40-59	2750	82	101	378	2350	70	86	368
III	`18-29	3200	96	117	440	2700	81	99	371
	30-39	3100	93	114	426	2600	78	95	358
	40-59	2950	88	108	406	2500	75	92	344
IV	`18-29	3700	102	136	518	3150	87	116	441
	30-39	3600	99	132	504	3050	84	112	427
	40-59	3450	95	126	483	2900	80	106	400
V	`18-29	4300	118	158	602	-	-	-	-
	30-39	4100	113	150	574	-	-	-	-
	40-59	3900	107	143	546	-	-	-	-

## Айрим озуқа моддаларининг 100 г миқдоридаги энергетик қуввати (ккал)

<b>№</b>	<b>Озуқа моддалари</b>	<b>Энергетик қуввати (ккал)</b>
<b>1</b>	<b>Сут</b>	<b>62</b>
<b>2</b>	<b>Сариёғ</b>	<b>734</b>
<b>3</b>	<b>Мол гүшти</b>	<b>154</b>
<b>4</b>	<b>Қўй гүшти</b>	<b>206</b>
<b>5</b>	<b>Тухум</b>	<b>150</b>
<b>6</b>	<b>Кўк пиёз</b>	<b>21</b>
<b>7</b>	<b>Бодринг</b>	<b>15</b>
<b>8</b>	<b>Картошка</b>	<b>89</b>
<b>9</b>	<b>Карам</b>	<b>27</b>
<b>10</b>	<b>Сабзи</b>	<b>36</b>
<b>11</b>	<b>Олма</b>	<b>48</b>
<b>12</b>	<b>Қанд</b>	<b>320</b>
<b>13</b>	<b>Буғдой унидан ёпилган нон</b>	<b>230</b>


## Тавсия этиладиган озиқ-овқат миқдори кг/йил

<b>№</b>	<b>Озиқ-овқатларнинг номлари</b>	<b>Миқдори кг/йил</b>
1.	Нон ва нон маҳсулотлари	95...105
2.	Картошка	95...100
3.	Полиз ва сабзавотлар	120...140
4.	Мевалар	90...100
5.	Гўшт ва гўшт масулотлари, жумладан в том числе: мол гўшти қўй гўшти товуқ гўшти	70...75  25 15 30
6.	Сут ва сут маҳсулотлари, жумладан - сут, кифер, йогурт 1,5...3,2% - сут, кифер, йогурт 0,5...1,5% - ҳайвон ёғи - творг - сметана - пишлоқ	320...340  60 50 4 18 4 6
7.	Тухум	260 шт
8.	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	18...22
9.	Шакар	24...28
10.	Ўсимлик ёғи	10...12
11.	Туз	2,5...3,5

## Тавсия этиладиган озиқ-овқат микдори г/сутка

Озиқ овқат номлари	Микдори, г
Нон ва нон маҳсулотлари	<b>330</b>
Қартошка	<b>265</b>
Сут ва сут маҳсулотлари	<b>450</b>
Гүшт ва гүшт маҳсулотлари	<b>205</b>
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	<b>50</b>
Шакар ва қандолат маҳсулотлари	<b>100</b>
Хайвон ёғи	<b>15</b>
Пишлок	<b>18</b>
Творог	<b>20</b>
Тухум	<b>40</b>
Мева ва сабзавотлар	<b>660</b>

*Ишлаб чықарғыш хонасида құлай микроіқтим күрсаткичларини үзага  
кеletиғишиниң «Кандай?» иетағхык диаграммасини түзине*



# Назорат саволлари

1. Микроиқлим кўрсаткичлари қандай катталиклар билан характерланади?
2. Терморегуляция жараёни нима ва унинг қанақа турлари мавжуд?
3. Инсон танасидан атрофга иссиқлик узатишнинг қанақа турлари бор?
4. Микроиқлим кўрсаткичларини меъёрлашда иш оғирлиги қанақа аҳамиятга эга?
5. Микроиқлим кўрсаткичлари қанақа меъёрланади?
6. Ҳаво босими қандай асбоблар билан ўлчанади?
7. Ҳаво температураси қандай асбоблар ва услубда ўлчанади?
8. Ҳаво ҳаракат тезлиги қандай асбоблар билан ўлчанади?
9. Ҳавонинг абсолют, максимал ва нисбий намликлари нима?
10. Нисбий намлик қанақа усуллар ва асбоблар билан аниқланади?

Эътиборингиз учун раҳмат!